



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 25 март, № 62 (7564)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БИЗ ва ЖАҲОН



### Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги устувор тамойиллар БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг устувор тамойиллари БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг “Ўзбекистон ҳукумати томонидан Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” деб номланган расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Ҳужжат БМТнинг барча расмий (рус, инглиз, араб, хитой, француз ва испан) тилларига таржима қилиниб, ташкилотга аъзо давлатларга тарқатилди ва БМТнинг расмий ҳужжатлари тизимига жойлаштирилди.

Ҳужжатда мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича олиб борилаётган туб ислохотлар акс эттирилган. Хусусан, унда қонун устуворлиги, коррупцияга қарши самарали курашиш, институционал салоҳиятни ошириш ва кучли демократик институтларни шакллантириш давлат сиёсатининг 2020 йилдаги устувор йўналишлари бўлиб қолиши таъкидланган.

Ҳужжатда Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мамлакатдаги экологик вазиятни яхшилашга алоҳида эътибор бераётгани қайд этилган.

Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида “яшил белбоғ” — химоя дарахтзорлари яратиш, Орол фожияси оқибатларини юмшатиш, денгизнинг қуриб қолган тубида ўрмонзорлар барпо қилишни кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар давом эттирилиши айтилган. Шу ўринда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил қилинган БМТ шафелигидаги Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди фаолияти ва ҳукуматнинг ташкилот доирасидаги ишларни фаоллаштиришга йўналтирилган амалий қадамларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, 2021 —

2023 йилларга мўлжалланган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиш ва Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ташкилот доирасида илгари суриш бўйича Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган изчил чоралар алоҳида қайд этилган.

Мурожаатнома устувор тамойилларининг БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессияси расмий ҳужжати сифатида эълон қилиниши Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олиниши ва қўллаб-қувватла-нишига яққол далилдир.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.



Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган ялпи мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан қатор қонун ҳужжатлари муҳокама этилди.

Сенаторлар дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқди.

Қонунда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик, шунингдек, уларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари ва интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.



### Олий Мажлисининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясидаги доимий делегацияси таркиби тасдиқланди

Парламент дипломатияси. Мамлакатнинг ҳар жиҳатдан тараққий этишида унинг халқаро майдондаги нуфузи, эгаллаган мавқеи кўп нарсани белгилаши барчага маълум. Бу жараёнда халқаро парламент тузилмалари билан яқин алоқаларни йўлга қўйиш давлатлараро муносабатларда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ечишда парламент дипломатияси ўз сўзини айтиётгани ҳам барчага аён.

Шу маънода, айни пайтда Олий Мажлис Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини халқаро доирада, жумладан, парламентлараро майдонда ва икки томонлама муносабатларда илгари суришга қаратилган фаолиятни кучайтирмоқда. Хорижий давлатлар парламент вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш бўйича амалий ҳаракатлар олиб бориляпти.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенатининг Кенгаши қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясидаги доимий делегацияси таркиби тасдиқланди. Делегация таркибидан ҳар иккала палата аъзолари ўрин олди.

Доимий делегацияга ахборот-таҳлилий ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида унинг котибияти ҳам таъинланди.

Ўзбекистон доимий делегацияси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясининг сессияларида иштирок этади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз парламентарийларининг муҳим ҳужжатлар муҳокамасига жалб этилиши, халқаро аҳамиятга эга маълумотларни тақдим этишга қаратилган қабул қилишда қатнашиши ва Ўзбекистон манфаатларини дадил илгари суриш имконини беради.

«Халқ сўзи».

### Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 75 йиллиги олдидан

### УИНСТОН ЧЕРЧИЛНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

Умид Исмоилов ўрта мактабни битирганида Иккинчи жаҳон уруши айни авж палласида эди. 1942 йилда ҳарбий хизматга отланган ёш йигитнинг зеҳни ўткирлигини ҳисобга олган кўмондонлик уни 7-алоҳида ўқчилар полки билан юртига юборди. Умид бу мактабни аъло баҳоларга битириб, катта сержант унвонига эга бўлди.

1943 йилнинг февраль ойи, 1-Беларусь фронти... Друть дарёси бўйидаги қақшатиқ жанг... Фашист босқинчилари қаршилиги борган сари кучаймоқда. Катта сержант Умид Исмоиловнинг мудофаа маррасини эгаллаган взводи бир кеча-кундуздаёқ ўз позициясини мустаҳкамлаб олди. Командир жанг майдонига илк бор киришига қарамай, бу ишни ташкил этишда ортиқча қийналмади. У уйку нималигини билмас, шунга гўё одатлангандек, взводи ҳам душманнинг ҳар бир ҳамласини қайтаришга доимо тайёр ҳолда турарди. Ўзбек ўғлонининг баҳодирлиги ва эпчиллигини яхши баҳолаган кўмондонлик уни разведкачилар командири қилиб тайинлади. Уқувли йигит тезда разведканинг ҳадисини олди.



### Депутат фикри

### Карантин, бу — эркинликни чеклаш эмас, балки жамоат хавфсизлигини кучайтиришнинг зарур йўли

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тarmoқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди ҳамда Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси тузилди.



Камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### КАМБАҒАЛЛИК — АЙБ ЭМАС, БИРОҚ...

Дунёда глобал муаммолар қалашиб ётибди. Урушлар, террорчилик ҳаракатлари, экологик инқироз, очарчилик, қашшоқлик, аҳоли сони ўсиши, озиқ-овқат хавфсизлиги, энергетика тақчиллиги, ОИТС, онкология ва бугунги кунда бутун инсоният соғлиғига раҳна солаётган коронавирус каби касалликлар...

Буларнинг ҳар бири инсоният бошига минг бир синову қулфатлар солиши мумкин, соялпти ҳам. Лекин уларни бартараф этишга келганда натижалар қоникарли эмас. Саъй-ҳаракатлар ниҳоятда суст. Чунки бирдамлик йўқ. Ҳамжиҳатлик етишмайди.

Аммо, мана уч ойдирки, ҳатто микроскоп ойнасида зўрга кўриш мумкин бўлган вирус бутун дунёни оёққа тургазди. Одамзод, агар ўз вақтида керакли чоралар кўрилмаса, шу лангати митти вирус улкан балои офатлар келтириб чиқариши мумкинлигини англаб етди. Натижада жаҳон бирлашди, бирлашяпти! Ҳеч бир мамлакат “Бу бизнинг позициямизга тўғри келмайди”, “Миллий манфаатларимизга мос эмас”, “Ёнда-шувимиз бошқача” деб талмовсираб ё тусомланиб ўтиргани йўқ. Ҳамма ҳаракатда. Ҳатто бир-бирини қўллаб, бир-бирига кўмак бериш иш тутишяпти. Ишончимиз комилки, ана шундай ҳамжиҳатлик бўлса, тез орада бу пандемияни ҳам ортада қолдирамиз. Ҳаёт яна ўз маромига тушади.

Бироқ ўйлайманки, одам боласи ана шу кескин вазиятдан ўзига тегишли хулоса чиқариши керак. Шундагина навбатдаги глобал муаммоларни ҳам тез ва осон бартараф этишнинг самарали йўллари топилади. Шулардан бири — камбағаллик.



### Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида

Карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган қилаётган шахсларга ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдориде вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади.

Коронавирус инфекцияси билан зарарланган болаларнинг, шунингдек, 14 ёшгача боласи бўлган ҳамда карантинда жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчиларнинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.



Тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларига жалб қилинадиган даврда ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдориде ҳар кунлик қўшимча тўловлар жорий қилинади.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ҳамда ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ҳамда маданият муассасалари ходимларининг иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб берилиши таъминланади.

14 ёшгача болалари бўлган оилалар учун ва бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши учун нафақа олувчилар сони 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга оширилади.

### Ҳамкорлик АҚШдаги фуқароларимизни Ватанга қайтариш бўйича фаол чоралар кўрилмоқда

Коронавирус инфекциясининг тез тарқалиши оқибатида Америка Қўшма Штатларида фавқулод-да ҳолат жорий этилиши, шунингдек, “Uzbekistan Airways” АЖ Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент йўналиши бўйича мунтазам рейслари вақтинча тўхтатилиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг Вашингтонда жойлашган элчихонаси ва Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси қошида фуқароларимизга Ватанга қайтишлари учун зарур маълумотларни тақдим этишга қаратилган доимий “ишонч телефонлари” фаолият кўрсатишмоқда.

Ушбу штаб ва “ишонч телефонлари” фаолияти натижасида Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси кўмағида шу йил 16 — 20 март кунлари олти нафар ҳамюртимиз-

нинг Ўзбекистонга чартер рейс билан етиб олишлари таъминлаш мақсадида АҚШдан Истанбулга (Туркия) жўнатилди.



**КОРОНАВИРУС**  
бўйича маълумот:

дунёда

2020 йил 24 март ҳолатига кўра, жами касалланганлар сони — **402 953** нафар, касалликдан тузалганлар сони — **106 288** нафар, вафот этганлар сони — **17 489** нафар.

Ўзбекистонда

2020 йил 24 март соат 21.30 ҳолатига кўра, касалланганлар сони — **50** нафар, вафот этганлар йўқ, беморларнинг аҳоли қоникарли ҳолатда.

### УЙДА ҚОЛИНГ!



АКАДЕМИК САИДОВ МУХТОР САФАРБАЕВИЧ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Физик кимё ва ярим-ўтказгичлар физикаси соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саидов Мухтор Сафарбаев шундай 20 март куни 89 ёшида вафот этди.

М. Саидов 1930 йил 21 ноябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Манғит шаҳрида туғилди. 1951 йилда Хоразм давлат педагогика институтини тугатиб, 1951 — 1954 йилларда Москва давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1954 йилда номзодлик, 1970 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

М. Саидов ўз меҳнат фаолиятини 1954 йили Хоразм давлат педагогика институтига катта ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик Самарқанд давлат университетига кафедра мудири лавозимида ишлади. Меҳнат фаолияти давомида Фанлар академияси Физика-техника институтига катта илмий ходим, лаборатория мудири, директор ўринбосари, Электроника институтининг директори, Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми Физика-математика бўлимининг академик-котиби, "Ўзгеолиотехника" маркази раҳбари каби масъул вазифаларда самарали хизмат қилди.

Заҳматкаш олимнинг яримўтказгичлар технологияси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилигига яхши маълум. Унинг бир қатор илмий ишланмалари иқтисодиётимиз тармоқларида муваффақиятли қўлланиб келмоқда.

Жонкуяр устоз, моҳир педагогнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик М. Саидовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мухтор Саидовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланган қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НАРБАЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, М. ЕРНИЯЗОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

Қўлимиздаги чироқ, кўнглимиздаги офтоб

Дунёда истеъдодсиз бола йўқ. Хар бир инсоннинг тийнати мурғак чоғларидан муайян қобилият билан зийнатланган бўлади. Фақат бу истеъдод хазиначисини очиб, кашф қилиш лозим. Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус айнан ана шу эзгу мақсадга — ёшларнинг ўзлигини англашига, ҳаётига мазмун бағишлашига хизмат қилмоқда.

Китобхонлик

Бугун катта авлодга мансуб адилларимиз навқирон қаламқашларга ҳавас кўзи билан қарайди. Устоз шоиримизнинг "Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!" мисраси хар бир оқсоқол ёзувчи-шоирнинг тилида, дилида акс садо бериб турибди. Аслида "йилт" этган ёш истеъдодга шахсан давлат раҳбарининг ўзи ғамхўрлик қилаётгани устоз ижодкорларни қувонтириш билан бирга, улар қалбида ҳавас уйғотиши ҳам табиий ҳол.

Бинобарин, бўқалик Фазилат Ёқубова, зангиоталик Зилола Шомуродова каби ёш ижодкорлар нафақат тенгдошлари, балки бутун халқимиз эътиборига тушди. Президентимиз совғаси сифатида Фазилатга "Кобальт" автомобили туҳфа қилиниб, мўъжаз кутубхона қуриб берилди. Давлатимиз раҳбари номига мактуб йўллаган Зилолага қимматбаҳо совғалар, энг муҳими, самимий жавоб хати келди. Давлатимиз раҳбарининг ёш шоирага йўллаган мактубида балқиб турган меҳрдан дилларимиз равшан тортади: "Мурғак юрагингда шу юртга дахлдорлик, чинакам ватанпарварлик, чексиз садоқат ва муҳаб-

бат туйғулари жўш уриб турганини ҳис қилиб, жуда мамнун бўлдим. Она Ватанимизнинг ишончини оқлаш, халқ хизматида ҳамisha шай туришини олий мақсад бўлиб вояга етатиш, шу йўлда тинимсиз изланиб, ўқиб-ўрганиб, ҳар жабҳада тенгдошларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган болаларимиз халқимизнинг фахрий ифтихоридир. Сен каби минг-минглаб фарзандларимизнинг бахтини мен ўзимнинг бахтим, деб биламан".

Бу мактубни фақат Зилолага эмас, унинг тимсолида барча ёш ижодкорларга йўлланган ишонч хати, десак, янглишмаймиз. Бугун биз хар бир боланинг қўлига китоб беряпмиз. Қўлида чироғи, кўнглида офтоби бор инсон ҳаётининг қоронғи кўчаларида адашмайди, қоқилмайди. У нафақат ўзининг, бошқаларнинг ҳам йўлига зиё сочиб яшайди.

Беш муҳим ташаббус ёшларимизни ана шундай ёнғў йўлларга, нурафшон манзилларга ундамоқда... Нодир ЖОНУЗОҚ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.

УИНСТОН ЧЕРЧИЛНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ



У дастлабки разведкага сержант Юсуф Қаҳҳоров, сержант Александр Иванов ва бошқалар билан жўнади. Умид бошчилигидаги разведкачилар душманнинг Друзь дарёси яқинидаги траншеяларини разведка қилди. Фашистларнинг қаерда жойлашгани, постлари ва ўт очиб нукталарини аниқлаб, қўмондонликка қимматли маълумотларни келтирди.

Умид Исмоилов бошчилигидаги гуруҳ иккинчи разведкадан "тил" келтирди. Асирдан олинган маълумотлар ўзини оқлади, шу асосда ҳужумга ўтган қўшин муваффақият қозонди. Шундан сўнг қўмондонлик Умидни 3-даражали "Шухрат" ордени, шериғи Қаҳҳоровни эса "Жасурилик учун" медали билан мукофотлади...

Нарев дарёси қирғоғидаги жанг сафдошлари катта талафотга учраб, майдонда Умид Исмоиловнинг яққа ўзи қолади. Лекин доврак йигит чекинмайди, балки миномётдан мўлжалди аниқ олиб отаверади. Душман 50 га яқин аскар ва офицерларини йўқотиб, чекинади.

Унинг ёлғиз ўзи мардлик намунасини кўрсатиб, фашистларнинг бутун бошли батальони ҳужумларини қайтаради...

Ўрмон... Кечаси ўт очиш позициясини алмаштириш чоғида 20 жангчига қарши 120 га яқин фашист аскарлари тўсатдан траншеяларини разведка қилди. Умид Исмоилов автомат билан, бошқалар 2 та қўл пулемёти билан милтиқлар, гранаталар билан аёвсиз жангга кирди. Орқадан

Исмоилов Шарқий Пруссияда ҳам жанг қилиб, Болтиқ денгинга чиқувчиларнинг олдинги қаторида борди ва Берлин учун курашларда мардлик кўрсатди.

Ғалабадан сўнг қўмондонлик каммида иккита орден соҳиби бўлган сержантлар таркибидан махсус вазифаларни бажарувчи батальон тўзди. Яна бир талаб: сержантлар қадди-қомати келишган, истарали ва бўйдор бўлиши керак эди. Ушбу

“Душман 50 га яқин аскар ва офицерларини йўқотиб, чекинади. Унинг ёлғиз ўзи мардлик намунасини кўрсатиб, фашистларнинг бутун бошли батальони ҳужумларини қайтаради...”

76 миллиметрли тўп мадад бериб турди. Отишмалар тонггача чўзилди. Душман жанг майдонига 60 га яқин газанда-ларнинг ўлигини қолдириб, ортага қайтди. Қўмондонлик Умиднинг жасоратини тақдирлаб, уни "Қизил Юлдуз" ордени билан мукофотлади... Катта сержант Умид

талабларга жавоб берган, катта сержант Умид Исмоилов Берлиннинг ўзида хизматни давом эттирди. Қўмондонлик Умиднинг жасоратини тақдирлаб, уни "Қизил Юлдуз" ордени билан мукофотлади... Катта сержант Умид



уларни ҳарбийчасига кутиб олди. Меҳмонларнинг бошлиғи яқинроқ келиб, аскарни савол-жавобга тутди. Бу Буюк Британия Бош вазири Уинстон Черчилль эди. У Потсдам конференциясида қатнашиш учун келганди. Бош вазирни жангнинг баланд бўйи ва кенг елкалари лол қолдирди. "Осиёликимсан?" деб сўради у таржимон орқали Умиддан. Умид қўлидаги автоматни маҳкам қисиб: "Ҳа, мен осийликман, ўзбекман", деб жавоб беради.

Ҳа, мен осийликман, ўзбекман", деб жавоб беради. "Ўзбек!" ҳайрон қолиб сўради Бош вазир. Таржимон: "Туркистонлик. Ўрта Осиёда яшайдиган миллат. Самарқанд, Бухоро", тушунарли бўлиши учун қўшимча қилади. Бош вазир давом этади: "Ёшинг нечада?" сўради Умиднинг бўй-басти ва келишган қадди-

қоматига ҳавас билан боқар экан. "Йигирмада", жавоб беради Умид. "Ёш экансан, омон бўл!" деб хайрлашди Уинстон Черчилль ва жангчининг елкасига қоқиб қўяди.

Шундай қилиб, ўзбек йигити кимсан Буюк Британия Бош вазирини қойил қолдиради. Бу ҳақда Умид отаниннг ўзи армиядан қайтиб келиб, укаси Мирзақалон Исмоилийга айтиб берган.

Катта сержант Умид Исмоилов ҳарбий хизматда 1947 йилгача бўлади. Сўнгра эсон-омон Ўзбекистонга қайтиб, кўп йиллар умргузаронлик қилади. Фарзандлари ва набиралари роҳатини кўради.

Тўлқин САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти доценти, истефодаги подполковник.

Карантин, бу — эркинликни чеклаш эмас, балки жамоат хавфсизлигини кучайтиришнинг зарур йўли



Шунингдек, барча ўқув муассасаларида карантин жорий этилди, республика аҳолисига заруратсиз уйдан чиқмаслик тавсия этилди, кўчалар ва жамоат жойларида ниқоб тақиб юриш мажбурийлиги белгиланди, хорижий давлатлар билан ҳаво ва автомобиль ташишлар чекланди, чегара ўтказиш пунктлари ёпилди. 23 мартдан бошлаб пойтахтимиздаги барча корхона ва муассасалар, асосий фаолиятини сақлаб қолган ҳолда, ходимларини меҳнат таътилига ёки масофадан туриб ишлаш режимига ўтказишлари тавсия этилди. Ишлашни давом эттирадиганлар таътилига ёки масофадан туриб ишлаш режимига ўтказишлари тавсия этилди. Ишлашни давом эттирадиганлар таътилига ёки масофадан туриб ишлаш режимига ўтказишлари тавсия этилди. Ишлашни давом эттирадиганлар таътилига ёки масофадан туриб ишлаш режимига ўтказишлари тавсия этилди.

Улар бу ҳаракатлари билан нафақат ўзларини, балки қариндошлари ва дўстларини, атрофдагиларни хавф остига қўймоқдалар. Бундай ҳаракатлар учун қўнунчилигимизда жиний жавобгарликка тортиш чоралари назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, карантин касалликнинг кескин ўсиб кетишининг олдини олишга, шунингдек, тиббий ёрдамга муҳтож одамларнинг соғлиқни сақлаш тизими имкониятларидан тўлақонли фойдалана олиши учун шароит яратди. Карантинга риоя қилмаслик эса иммунитетни пайсайдан сурункали касалликларга чақилган одамларга ўлим хавфи соғлиқига олиб келади. Чунки сиз ёки инкубация даврида сиздан инфекция юқтирган инсонлар соғлиқини сақлаш тизими ресурсларини, шифокорлар вақтини ҳамда зарур жиҳозлар ва воситаларни "ўғирлайди".

Масалан, Хитойнинг Ухан шаҳрида карантиннинг қатъий режими жорий қилиниши бу инфекциянинг янада кенг тарқаб кетмаслигини таъминлашда самарали ечим бўлди. 23 январда мазкур карантин режими жорий этилгандан сўнг, янги инфекциялар сонининг экспоненциал ўсиши тўхтади, яъни инфекция тарқалиши карантин жорий этилгандан кейин дарҳол пасая бошлади. Ҳозирги кунда

Хитойда касалликнинг янги ҳолатлари деярли қайд этилмапти, бошқа давлатларда эса бу сон тобора ошиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, одамлар "ижтимоий масофа", яъни жамоат жойларида ҳаракатланишни чекласа, вирус тарқалиши секинлашиши мумкин.

Шу боис юртимизда карантин режими кучайтиришга қаратилган бир қатор кескин чораларнинг қўрилиши мақсадга мувофиқдир:

- мамлакатимизда корона-вирус инфекцияси тарқалиши муносабати билан фавқулодда ҳолат жорий этиш (эксперимент тарихида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида);
- карантин қоидаларига риоя этилиши устидан тегишли назорат олиб бориш учун армиянинг муайян қисмини сафарбар қилиш;
- республика бўйлаб шаҳар ва туманлар ўртасида темир йўл, ҳаво, автобус ва автомобилларда йўловчи ташишни чеклаш;
- вилоятларда, айниқса, юртимизнинг чекка ҳудудларида кўчма (мобиль) пунктлар ва лабораторияларни ташкил этиш, уларда коронавируси аниқлаш учун портатив экспресс-тестлар ўтказиш;
- COVID-19 вируси учун синновларни тезкор ўтказиш ва ушбу тест жиҳозлари импор-

тини амалга оширишда хусусий секторни давлат томонидан рағбатлантириш;

• барча ташкилотлар ва муассасаларда, жамоат жойлари (трансспорт, дам олиш жойлари, савдо марказлари, бозорлар, ёқилғи қуйиш шохобчалари, кўп қаватли биноларга кириш жойлари)да бепул дезинфекциялаш ишларини олиб бориш;

• алоҳида корхона ва ташкилотларнинг зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштириш, масалан, шахсий ҳимоя воситалари (ниқоблар, респиратор ва бошқалар), антисептиклар, дорилар ва ускуналар (механик шамоллатиш аппаратлари);

• республика бўйлаб (айниқса, чекка ҳудудларда) тиббий препаратлар ва буюмлар, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур товарларга буюртма берадиган масофавий хизматлар кўрсатиш тизими имкониятларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда коронавируси пандемияси кўпайишининг олдини олиш, энг муҳими, юрдошларимиз, яқинларимиз ва фарзандларимизнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди.

Акмал БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.

АҚШдаги фуқароларимизни Ватанга қайтариш бўйича фаол чоралар кўрилмоқда



Бундан ташқари, мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси Россиянинг Гаванадаги Бош консулиги билан ҳамкорликда сайёҳлик гуруҳи таркибига бўлган икки нафар Ўзбекистон фуқаросининг Кубадан Туркияга юборилишига эришди.

АҚШда вақтинча истикомат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари учун визаларни узайтириш масалаларини ҳам қисқа муддатларда ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Бу борада элчихона АҚШ Давлат департаменти ва америкалик юристлар билан иммиграция соҳасида фаол музокаралар олиб борапти.

Шу билан бирга, дипломатик ваколатхоналаримиз АҚШ ва Канададаги ўзбеклар диаспораси ташкилотлари ва жамоат фаоллари билан доимий алоқа ўрнатган. Ватандошларимизда корона-вирус билан боғлиқ фактлар аниқланган тақдирда, уларга ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси коронавируси аниқлаш учун реактивлар диагностика тўпламини яратиш мақсадида Американинг "Genscript" компаниясида ишлаб чиқарилган синнов тизимлари намуналарини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илгор технологиялар марказига лаборатория тадқиқотлари учун етказиб берди.

«Дунё» АА. Вашингтон

Бухоролик олима яратган оқова сувни тозалаш усулининг ўзига хослиги нимада?

Бухоро давлат университети ўқитувчиси, кимёгар олима Матлуба Амонова буюш ва пардозлаш корхоналарида ҳосил бўладиган оқова сувни тозалаш жараёнини такомиллаштириш имконини берадиган самарадор усулни яратди.

— Маълумки, собиқ иттифок даврида республикаимизда етиштирилган пахта толаси деярли қайта ишланмасди, — дейди М. Амонова. — Мустақилликка эришилгандан сўнг, айниқса, сўнгги беш йилликда етиштирилган толанинг асосий қисми қайта ишланмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, 2021 йилга бориб, хом ашёнинг юз фоизини яримфабрикат ёки тайёр маҳсулот сифатида ишлаб чиқариш режалаштирилган. Биламизки, пахта толаси асосида тайёр маҳсулот олиш ва пардозлаш жараёниларида катта миқдорда сув сарф қузеллади. Рақамлар билан айтганда, 1 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш

учун 250 — 300 тоннагача сув сарфланади. Калава ипни оҳорлаш, уни ювиш, оқатириш ва матога гул босиш ҳамда ундан кейин матони турли эритмалар билан ювиш натижасида катта миқдорда муаллақ заррачалар, оҳор, СФМ, бўёқлар, органик ва ноорганик моддалар пайдо бўлади. Натижада сув ўта даражада ифлосланади. Бу эса экологияга катта зарар келтиради. Шу сабабли ушбу соҳадаги оқова сувларни кимёвий усулда тозалаш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Аънанавий усулда, асосан, фаолланган кўмир, сульфат кислотаси ва алюминий сульфатидан фойдаланилади. Аммо фаолланган кўмир таннархининг

Илм-фан



эса маҳаллий хом ашёларга асосланган. Арзон ва самарали. У синновдан ўтказилганида, тўқимачилик корхоналари оқова сувини тозалаш самарадорлиги 97 фоизгача ортгани кузатилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, оқова сувларни бентонит, алю-

миний сульфат, натрий гидросульфит ва полиакриламид асосидаги "сорбент — коагулянт — флокулянт" тизими билан тозаланиш назарий асосларини яратиш учун илмий пойдевор яратилди. Тозаловчи ингридиент сифатида Навбахор конининг бентонити, флокулянт сифатида полиакриламид, натрий бисульфит ва алюминий сульфат қўлланилди. Бу усул битта тўқимачилик фабрикасида 97 миллион сўмдан зиёд йиллик иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

— Бир тонна оқова сувни тозалашда аънанавий композиция сарфи 6 килограмми, пулга қаққанда 7665 сўмни ташкил этади, — дейди тадқиқотчи. — Биз тақлиф этаётган композицион абсорбентнинг сарфи эса мос равишда 8,25 килограмм ва 5899 сўмдир. Бинобарин, дейлик, "TSK" корхонаси бир йилда

ўртача 55 минг тонна маҳсулот, яъни мато ишлаб чиқарса, биз тақлиф этаётган композицияларни қўллаш эвазига 97 миллион 130 минг сўм фойда олади.

Янги усулнинг самарадорлигини у қўллаб қўрилган масъулият чекланган жамият шаклидаги "TSK" қўшма корхонаси, "Имиж текстиль" масъулият чекланган жамияти маъмуриятлари томонидан тузилган далолатномалар ҳам тасдиқлайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитини муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 11 апрелдаги 03-02/3-1945-сонли маълумотномаси ҳам олинган.

Дароқе, изланувчан олима қайнда "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" III Республика танловида ушбу иختираси билан қатнашиб, "Энг самарали инновацион лойиҳа (фан ва техниканинг устувор йўналишлари бўйича)" номинаторисини бўйича голибликни кўлга киритди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

# КАМБАГАЛЛИК — АЙБ ЭМАС, БИРОҚ...



**1** **Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даво-ланиши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўляпти, деган савол ҳар кунни қийнайди...**

Тўғри, ҳар ким бу дунёга бахтли-саодатли яшаш учун келади. Фаровон ҳаёт кечирсам, турмушда кам-қўстим бўлмасам, деб орзу қилади, интилади. Бу — табиий жараён. Аммо инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт тугул, хотиржамликка ҳам эриша олмайди. Қандай бўлмасин, қорнини тўйғазсам, эгинмини бўлсам, бетоб онам, бемор отам, хаста болам ёки касал хотинимга нима қилиб дори олсам, деган ўй-ташвишлар гирдобидида турмуш кечирадиганларни ҳаётдан юрти инсонлар, деб бўладики?

Ана шу оғриқли масаланинг газак олиши бир неча омилларга боғлиқ. Улар орасида энг асосийси — маълумнинг яшириб келингани. Сир эмас, юртимизда камбағаллик кўп йиллар давомида «ёпиқ мавзу» бўлиб келди. Бу категориянинг ўрнига дардимизни азбаройи хаспўшлаш учун «кам таъминланганлик», «эҳтиёжманлик» деган тушунчалардан фойдаландик. Оқибатда камбағаллик исканжаси ҳақиқатда камайиб қолмади ва остонамиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Шуқри, халқ билан мулоқотнинг бугунгидай самарали тизими ҳақиқий аҳволни кўзгуда-гидай намоён этди. Одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошқор бўлиб қолди.

Урганишлар натижасига кўра, ҳозирги кунда худудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал катлам мавжуд. Улар таъминан 12 — 15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4-5 миллион нафарга тенг аҳоли дегани! Қаранг, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади 10 — 13 минг сўмдан ошмас экан.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев масалани куюнчаклик билан кун тартибига олиб чиқди, тегшли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга кечиктириб бўлмас топшириқлар берди.

Хўш, улар нималарни кўзда тутуди? Қандай самарали механизмларга асосланган?

ми пайтида қишлоқ хўжалиги мажсулотларини тайёрловчилар ва сотадиганлар учун кўпроқ ишлаш имкониятлари юзга келади. Бошқа даврларда эса даромад камаяди. Озиқ-овқат ҳам кўпинча захиралардан сарфланади ёки сотиб олинади. Уй хўжалиқлари истеъмол харажатларининг деярли учдан икки қисми ҳали-ҳануз озиқ-овқат мажсулотларига тўғри келишини ҳисобга олсак, бу қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат мажсулотлари нархи, озиқ-овқат хавфсизлигининг мавжуд эмаслиги ва қашшоқлик ўртасидаги муҳим боғлиқликларни намоён қилади.

Мавсумийлик ички иқтисодий фаолиятнинг кўплаб бошқа соҳаларида ҳам мавжуд. Масалан, қурилишда.

Ўзбекистонда кейинги 10 йилда меҳнат ва кичик бизнес даромадларининг ўсиши камбағалликнинг қисқаришига олиб келганини инкор қилмаймиз. Иш ҳақи ва бизнесдан келадиган даромад манбалари аҳамияти тобора ортиши билан нафақалар, ижтимоий ёрдам дастурлари ва бошқа даромад турларининг роли камайгани ҳам рост. Бироқ Ўзбекистоннинг меҳнат бозорида сезиларли заифликлар мавжуд. Халқаро валюта фондининг мамлакатлар бўйича сўнгги ҳисоботида, меҳнат захирасига йи-

## Балиқ эмас, қармоқ беринг

Статистик таҳлилларга эътибор қилинг: Ўзбекистонда кейинги икки йил ичида ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,3 баробар кўпайибди, нафақалар миқдори эса 2 баробар ошди. Бу, албатта, таҳсинга сазовор иш. Лекин ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш билан мавжуд муаммо тўлиқ ечимини топдими? Афсуски, йўқ. Негар?

Шу ўринда Хитой файласуфи, даосизм таълимоти асосчиси Лао Цзенинг ҳикмати сўзи ёдга тушади: «**Оч қолган инсонга балиқ берсанг, унинг бир кунлик қорнини тўйдирасан. Агар унга қармоқ бериб, балиқ овлашга ўргатсанг, уни бир умр очликдан қутқарасан.**»

Буюк мутафаккир бобомиз, шеърят мулкнинг султони Алишер Навоийнинг бу борадаги фикрлари аянам жозибадор: «**Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж, Яхшироқ андинки, биров берса ганж.**»

Ана шуларни чуқур англаган Юртбошимиз Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро нуфузли ташкилотлар билан бирга камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш тақлифини илгари сурди. Бунда халқаро меъёрлар асосида чуқур ва ҳар томонлама комплекс изланишлар олиб борилиб, «**камбағаллик**» тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубларини қамраб олган янги методология яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

«**Ҳосил пишса, ошигимиз олчи бўлади**»

Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда камбағалликнинг кучли мавсумий таркибий қисми мавжуд. Яъни иш билан банд бўлганларнинг таъминан 27 фоизни қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатади. Шу сабабли фаровонлик ва истеъмол даражаси ҳар фаслда ҳар хил.

Масалан, ҳосил йигим-тери-

лига 500 минг нафар янги ишчи қўшилишига қарамадан, иш билан бандликнинг қайд этилган ўсиши ва киши бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар ҳажмининг ўсиши суръати ўртасида номуносиб-лиқлар сақланиб қолаётганини таъкидланади. Ушбу мулоҳазани янада ривожлантирадиган бўлсак, иқтисодиётда банд аҳоли сонига тўғри келадиган товар ва хизматлар ҳажми, яъни меҳнат

тегияси» маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» номли лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида «**Марказий Осиёда туманлар миқёсидаги қашшоқлик даражаси, ўртача истеъмол ва аҳолининг ўрта синфи кўрсаткичлари**» бўйича ҳисобот тайёрланди. Унда камбағал ва ўрта синф аҳоли яшайдиган

туманлар хариталари бутун минтақа, хусусан, Ўзбекистон учун алоҳида келтирилган.

Бу орқали, жумладан, камбағалликни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий даражадаги ижтимоий гуруҳлар муаммоларини ҳал қилиш учун маблағлар ажратилишида фойдаланиш мақсад қилинган. Ана шу таҳлиллар даромадлар тақсимланиши омилларини тушуниш ҳамда керакли чораларни аниқлаш ва ишлаб чиқишда қўлланилади.

Натижалардан маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг аксарият худудларида қашшоқлик даражаси кунига 3,2 долларни ташкил этади. Бу Марказий Осиёнинг бошқа (Тожикистон, Қирғизистон) мамлакатларига қараганда бирмунча паст кўрсаткичдир. Ўзбекистоннинг айрим худудларида даромад нотекис тақсимланган. Камбағалликнинг юқори даражаси Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида кузатиляпти. Ўрта синф аҳолининг умумий аҳоли сонидидаги улушнинг энг паст даражаси ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи туманларига тўғри келмоқда.

Албатта, Президентимиз қайд этганидек, камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволишни, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Улар томонидан олиб борилган кўплаб тажрибалар (у 20 йил давомида амалга оширилган) шуни тасдиқладики, бепул тушлик ва қўшимча ўқув қўлланма ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичига унчалик ҳам сезиларли таъсир кўрсатмас экан. Шу боисдан мактабларни турли хилдаги замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш, моддий-техника базасини яхшилашга йўналтирилган молиявий харажатларни амалга ошириш, ўқувчиларни бепул тушлик ва кийим-бошлар билан таъминлаш каби чоралар кумга сув сепган каби сингиб кетар экан.

Ўзлаштириш кўрсаткичи ва ўқувчиларнинг билим савиясини кўтарадиган асосий омил: таълим бериш шаклини ва ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ошириш, ўқувчиларга индивидуал ёндашув усуллари-ни кучайтириш (дарс мазмунини оширишга) ҳамда болаларни қийнаб келадиган гижжа касалликларидан фойдаланиш шаклини таъминлашга боғлиқ экан. Болалар оғирлигида жойлашган паразитлардан холи бўлмасдан туриб, уларга қанчалик билим берманг, унинг ақли ва тафаккури кенгайиб қолмаслигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам тасдиқлади.

Шу пайтга қадар БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон валюта ташкилоти ва турли жағфарлар томонидан камбағал давлатларга миллиардлаб АҚШ доллари қийматида молиявий ёрдамлар, субсидиялар йўналтирилганига қарамай, аҳолининг саводхонлиги ошиб, ўзини ўзи билан таъминлаш ва тадбиркорлик қобилияти ошиб қолмади. Буларнинг барчаси бесамар

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Фикримизча, мазкур йўналишда жаҳоннинг илгор мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланишимиз керак. Бу борада, биз, олимлардан ҳам жонбозлик, фаол илмий изланишлар олиб бориш талаб этилади. Шундангина Президентимиз таъкидлаган методологияни яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятига эга бўламиз.

**Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ,**  
Тошкент давлат иқтисодий университетининг «**Университет 3.0**» халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори, иқтисодий фанлари доктори.

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

## Қашшоқлик даражаси қандай аниқланади?

Ўзбекистон — аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлар қаторидан жой олган (киши бошига йилга ўртача 1533 АҚШ доллари).

Аслида даромаднинг ўртача даражаси икки гуруҳга бўлинади. Даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар — киши бошига йилга 1036 — 4085 доллар ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар — киши бошига йилга 4086 — 12615 доллар. Биринчи гуруҳдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган. Бу ўлчовлар бўйича киши бошига кунига 3,2 доллар — камбағаллик чизигининг ўртача кўрсаткичи. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизигининг ўртача кўрсаткичидир.

Демак, Ўзбекистон учун қашшоқлик чизиги — кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани. Мисол учун, беш кишидан иборат оиланинг ялли даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал, деб ҳисоблаш мумкин.

## Ёппасига кредит бериш — муаммо ечими эмас

Маълумки, 2018 йилдан буён Жаҳон банки «Тараққиёт стра-

## Методология илмий хулосалар асосида яратилиши зарур

Камбағаллик миллиятнинг соғлиги, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етқа-

## Камбағалликни аниқлаш бўйича энг кенг тарқалган усуллар

- 1 Монетар усул**  
Истеъмолчиларнинг маълум бир муддатда оладиган барча даромадлари ёки ўз эҳтиёжини қондириш учун сарфлайдиган истеъмол харажатлари ҳажми, яъни турмуш даражасини белгилайдиган материал эҳтиёж билан ўлчанади.
- 2 Номонетар усул**  
Камбағалликни учта индекс бўйича ўлчашни назарда тутуди: кўп қатламли камбағаллик (у аҳоли камбағаллигининг қатламлари ва чуқурлигини ўлчайди), моддий депривация (нисбий камбағаллик даражасини аниқлайди) ва ижтимоий ўзгариш қилини (бу социал аҳамиятли хизматлардан фойдаланиш имкониятини ўлчайди) назарда тутуди.

саволни қўйишди: **камбағал давлатларда таҳсил олаётган ўқувчи-болалар учун бепул тушлик фойдалими ёки ўқув қўлланма?**

Улар томонидан олиб борилган кўплаб тажрибалар (у 20 йил давомида амалга оширилган) шуни тасдиқладики, бепул тушлик ва қўшимча ўқув қўлланма ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичига унчалик ҳам сезиларли таъсир кўрсатмас экан. Шу боисдан мактабларни турли хилдаги замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш, моддий-техника базасини яхшилашга йўналтирилган молиявий харажатларни амалга ошириш, ўқувчиларни бепул тушлик ва кийим-бошлар билан таъминлаш каби чоралар кумга сув сепган каби сингиб кетар экан.

Ўзлаштириш кўрсаткичи ва ўқувчиларнинг билим савиясини кўтарадиган асосий омил: таълим бериш шаклини ва ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ошириш, ўқувчиларга индивидуал ёндашув усуллари-ни кучайтириш (дарс мазмунини оширишга) ҳамда болаларни қийнаб келадиган гижжа касалликларидан фойдаланиш шаклини таъминлашга боғлиқ экан. Болалар оғирлигида жойлашган паразитлардан холи бўлмасдан туриб, уларга қанчалик билим берманг, унинг ақли ва тафаккури кенгайиб қолмаслигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам тасдиқлади.

Шу пайтга қадар БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон валюта ташкилоти ва турли жағфарлар томонидан камбағал давлатларга миллиардлаб АҚШ доллари қийматида молиявий ёрдамлар, субсидиялар йўналтирилганига қарамай, аҳолининг саводхонлиги ошиб, ўзини ўзи билан таъминлаш ва тадбиркорлик қобилияти ошиб қолмади. Буларнинг барчаси бесамар

лик даражасини пасайтиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бу борада ўзига мустакил ёрдам бера олмайдиганларни қўллаб-қувватловчи фаол ва таъсирчан сиёсат юритиш, ушбу мақсадларга ҳамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб этиш катта самара беради.

Бинобарин, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда одамларимизни тадбиркорликка ўқитишнинг энг илгор дастурларини ишлаб чиқиш ва касбга ўқитишда нодавлат ташкилотлари фаоллигини кучайтиришга эҳтиёж катта.

Касаначилик меҳнат турини ривожлантириш керак. Бунда замонавий машиналар, усқуналар, хом ашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш даркор. Касаначиларга бюртмачилар топшира, тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга қўмақлашиш зарур.

Шунингдек, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларга касбий тайёрларлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш, бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган чоралар кўриш фойдадан холи бўлмайди.

Аҳоли реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, бунинг учун ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш орқали жон бошига тўғри келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажминини, яъни меҳнат унумдорлигини кескин ошириш даркор.

Камбағаллик ҳолатида ёки чегарасида яшаётган аҳоли қатламини қашшоқликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва аҳоли томорқаларидан мақсадли фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

«**Қашшоқликнинг халқаро чегараси бир киши учун кунига 1,9 долларни ташкил этади.**»

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 190 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Телефонлар:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Г. Тоғаяв томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажматдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.  
Мусахҳас — С. Исмолов.

«Шарқ» навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6